Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 12-iyun. Payshanba ● 72 (31.819) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Тақдир тақозоси билан айрим инсонларнинг жисмоний имконияти чекланган бўлади. Лекин бу уларнинг ҳуқуқлари амалга ошишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Ҳаммага ҳаёт бир марта ато этилади. Берилган умрни яхши яшаш, орзу-ниятларига етишишга барча бирдек ҳақли.

Шунинг учун мамлакатимизда ногиронларни тўлақонли ҳаётга мослаштириш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.



# Ижтимоий ҳимоя кафолатлари

## янада мустаҳкам бўлиши лозим

► Давоми 2-бетда.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

## Йигирмага яқин таклиф

### қонун лойиҳасида ўз ифодасини топди

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди. Бунда қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича шакллантирилган таклифларни янада меъёрига етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.**



► Давоми 2-бетда.

БАНДЛИК

## Ёшлар учун иш ўрни ва кредитлар

**Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан Денов туманидаги Марказий ўйингоҳда «Бирлашиб биз катта кучмиз» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда 17 нафар коллеж битирувчисига умумий қиймати 82 миллион сўм бўлган имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилиб, 20 киши янги иш жойига эга бўлди.**

— Жорий йилда 6,5 мингдан зиёд ёш касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяди, — дейди **туман ҳокими ўринбосари, ЎзХДП аъзоси Шокиржон Умедов.** — Уларнинг бандлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Бугунги фестивалда 7 минг нафардан ортиқ ёш иштирок этди.

— Бугун юртимиз ёшлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди **коллеж битирувчиси Жалолиддин Муродов.** — Шундай экан, тенгдошларимиз изланувчан, интилувчан ҳамда фидойи бўлишлари шарт. Чорвачилик билан шуғулланиш учун молия муассасасига мурожаат қилгандим. Бизнес лойиҳам маъқул келиб, 8 миллион сўм кредит олишга сертификат беришди. Лойиҳам асосида 3 нафар тенгдошим ишли бўлади.

Анжуманда «Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз!», «Одам савдоси, гиёҳвандлик ва диний экстремизмга қаршимиз!» шиорлари остида саҳна кўринишлари намойиш этилди. Ёш спортчиларнинг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган чиқишлари олқишлар билан қарши олинди. Таниқли эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар байрамга янада файз бағишлади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН**

**Жисмоний имконияти чекланган кишилар, ногиронлар жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз қобилиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратилиши, хусусан, уларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш долзарб вазифадир.**

## Биз Ўзбекистон Халқ демократик партиясини танладик!

...Тўғрисини айтсам, ногиронлар, кекса кишилар, ота-онасидан эрта ажраган болалар, беморларни кўрсам, уларга ёрдам бергим, оғирини енгил қилгим келади...

3

БУНЁДКОРЛИК

## Деҳқонобод туманида

### *30 километрлик осма йўл қурилмоқда*

**Президентимизнинг 2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбати ишга туширилди. Корхона қуввати ошиб, мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.**

Шуниси ўзига хоски, хомашё қазиб чиқарилаётган Тепақўтон кон мажмуи билан завод қайта ишлаш цехлари ўртасида 35-40 километр масофа бор. Кондан қазиб чиқарилаётган калийли тоғ жинслари ана шу оралиқдаги асфальт йўлдан цехларга келтирилади. Бу, албатта, маҳсулот таннархи ортишига сабаб бўлаяпти. Масалани ҳал қилиш учун узунлиги 30 километрлик осма юк ташиш йўли бунёд этилмоқда. Бу йўлдан камида 2-2,5 миллион тонна хомашё ташилади. Мутахассисларнинг фикрича, бу минтақамиздаги энг узун ва самарали осма юк ташиш йўли бўлади.

**Ўз мухбиримиз.**

ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛАРИ

## Ўзбекистон шундай мамлакатки, у ерга яна қайтгинг келади

Бу «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивали иштирокчиси, латвиялик хонанда Диана Пирагснинг фикри

**Бугунги замонавий дунёда ўзбек халқи ўзининг асрлар давомида сайқалланган маданий анъаналарини сақлаб қолгани, уни фарзандларига ўргатаётгани мени лол қолдирди...**

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

**Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти**

**доимий равишда такомиллашиб бориши лозим**



www.uzbekistonovozi.uz

ЭЪТИРОФ

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар энг талабчан харидорга ҳам манзур бўлмоқда

**Аттила КИШ,**
***Озиқ-овқат маҳсулотлари илмий-тадқиқот институти директори (Венгрия):***

— Дунё мутахассислари, етакчи олим ва экспертлар иштирок этган конференцияда Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари, босқичма-босқич амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида қўлга киритилган улкан ютуқлар билан танишиш ва бу борадаги мамлакатингизнинг бой тажрибасини ўрганиш имконига эга бўлдик.

Давлатингиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган «ўзбек модели» жуда самарали ва ҳаётийлиги билан халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистоннинг ютуқларидан яна бири мамлакат аҳолиси интеллектуал салоҳиятининг жуда юқори эканидадир. Бу омил юртингизнинг халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонлик олимлар ва ишбилармонлар билан мунтазам равишда тажриба алмашиб туриш, қишлоқ хўжалиги




ва агробизнес соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

**Сетапонг ЛЕКАВАТАНА,**
***Таиланд қишлоқ хўжалиги ва кооперация вазирлигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рағбатлантириш ва менежмент бюроси бош эксперти:***

— Халқаро конференция жаҳон озиқ-овқат саноати ривожида муҳим воқеа бўлди. Анжуман доирасида мамлакатингиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, катта-кичик дўконлар, бозору супермаркетларда бўлиб, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноати борасидаги юксак салоҳияти билан бевосита танишдик. Савдо расталаридаги хилма-хил маҳсулотларни кўриб, кўз қувонади. Уларнинг кўплигидан, хилма-хиллигидан қай бирини танлашни ҳам билмай қоласиз. Масалан, чанқовбосди ичимликлар — маъданли сувлар, шарбатлар, салқин чойларнинг ўнлаб тури бор. Уларнинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани диққатга сазовор. Бу маҳсулотлар энг нозиктаъб, талабчан харидорга ҳам манзур бўлади. Дунёнинг кўп жойларида озиқ-овқат танқислиги кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистондаги бундай фаровонликка чин дилдан ҳавас қилдик.

Конференциядаги ишчанлик руҳи, бизга кўрсатилган самимий муносабат, ширинсуханлик ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирамиз.

**ЎзА**

**«Ёш сиёсатчи — 2014» танловининг Бухоро вилоят босқичи қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.**

*Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.*

Мутасадди давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ногирон болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шароитларни яратишлари керак

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ



# Йигирмага яқин таклиф

## қонун лойиҳасида ўз ифодасини топди

Хўш, Ижтимоий шериклик ўзи нима дегани? Уни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш қандай аҳамиятга эга?

Қонун лойиҳаси муҳокамаси, депутатлар билдирган фикр-мулоҳазалар тафсилотидан олдин мазкур саволларнинг жавобига тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки ижтимоий шериклик қонунчилигимизда ўзига хос янги институтлардан биридир.

Давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, минтақавий ва ҳудудий дастурларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришдаги ҳамкорлиги ижтимоий шериклик ҳисобланади. Қонун лойиҳасида ижтимоий шериклик тушунчасига шундай таъриф берилмоқда.

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари турли соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мақсадида хилма-хил дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Бундай дастурларда қайси йўналишларда қандай ишларни бажариш табиийки уларнинг ўзлари томонидан белгиланади. Шу сабабли давлат органлари жамият эҳтиёжи, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ҳар доим ҳам тўлиқ қамраб ололмаслиги мумкин.

Жамиятда қайси муаммо долзарб, маблағ ва эътиборни кўпроқ қайси масалаларга қаратган маъқул, қандай йўл тутилса, дастурлар янада кўпроқ самара келтиради? Нодавлат нотижорат ташкилотлар, умумий қилиб айтганда, фуқаролик жамияти институтлари иштироки шу каби саволларга энг мақбул жавоб топишда муҳим ўрин тутади. Сиёсатчилар, олим ва мутахассисларнинг таъкидлашича, фуқаролик жамияти институтлари жамиятни, фуқаролар хоҳиш-иродасини яхшироқ билади.

Демак, ижтимоий шериклик жамиятни ич-ичидан чуқурроқ ўрганишда, соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш, муайян муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий дастурларни самарали ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда, фуқароларнинг фаоллиги ҳамда жамоатчилик назорати кучайишида долзарб аҳамият касб этади.

ЎзХДП фракцияси аъзолари «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида унинг заруратига, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратишди.

**Зиёвиддин МАНСУРОВ, *Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

*— Халқимизда азалдан жамоат манфаати билан боғлиқ масалаларни кенгашиб, таклиф-мулоҳазалар асосида ҳал қилиш одати бор. Ижтимоий шерикликнинг қонуний асослари мустаҳкамланиши бу анъанани замонавий мезон ва меъёрларга таянган ҳолда изчил ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.*

*Қонун лойиҳасида ижтимоий шерикликнинг асосий йўналишлари белгилаб берилаяпти. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш каби йўналишлар шулар жумласидан. Бу масалалар партиямиз дастурий мақсадлари, электорати манфаатлари билан чамбарчас боғлиқдир.*

*Шунинг учун биз қонун лойиҳасини ҳар томонлама пишиқ қилиб тайёрлашга, электорат вакилларидан кўпроқ таклиф-мулоҳазалар олишга эътибор бердик. Айтиш жоизки, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда фракциямиз берган 20 га яқин таклиф инобатга олинди.*

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА, *Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

*— Қонун лойиҳасида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари, давлат ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлигига оид тўпланган миллий ҳамда хорижий тажриба ўз ифодасини топган.*

*Шу боис унинг қабул қилиниши ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни ишлаб чиқишда аҳоли турли қатламларининг манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинишига шароит яратади, шунингдек, уларни амалга оширишда давлат ва жамият кучи, салоҳиятини бирлаштиришга, демакки, юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.*

*Қонун лойиҳасига мувофиқ, давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббус ҳамда таклифларини кўриб чиқиши шартлиги белгиланаяпти. Фракциямиз таклифларини шакллантиришда мазкур масалаларни, ижтимоий шерикликнинг қабул қилинган дастурлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги аҳамиятини ҳам ҳисобга олдик.*

ЎзХДП фракцияси муҳокамалардан кейин «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда кўриб чиқилишини маъқуллаб, қарор қабул қилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

Ижтимоий шерикликнинг қонуний асослари мустаҳкамланиши бу анъанани замонавий мезон ва меъёрларга таянган ҳолда изчил ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

# Ижтимоий ҳимоя кафолатлари

## янада мустаҳкам бўлиши лозим

Хусусан, 2008 йилда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. 2009 йил февраль ойида мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ногиронлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Конвенциясини имзолади. 2011 йилда Президентимизнинг «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

***Хўш, бугун мазкур ҳуқуқий кафолатлар асосида қандай ишлар олиб борилаяпти? Жисмоний имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ижобий натижалар, мавжуд муаммолар нималардан иборат? Уларнинг ечими учун нима қилмоқ керак?***

ЎзХДП Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ҳамкорлигида ўтказилган амалий семинарда шу масалаларга эътибор қаратилди.



**Улуғбек ВАФОЕВ,**
*ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари:*

— Инсон манфаатини ҳимоя қилиш, барча фуқаролар муносиб турмуш кечириши учун кенг шароит яратиш, имконияти чекланган кишилар, кам таъминланганлар давлат ҳамда жамият эътиборидан четда қолмаслиги учун юртимизда тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. ЎзХДП ҳам шу жараёнда фаол иштирок этишга ҳаракат қилаяпти.

Ногиронларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, турмуш даражасини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, даволаш-профилактика хизматини кенгайтириш, уй-жой ҳамда маиший шароитларини яхшилаш бўйича партия ташкилотларининг амалий ишларини кучайтириш бугун олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Аввало, соҳага тегишли қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан депутатлик ва парламент назоратини изчил олиб боришимиз керак. Бугунги кунда мутасадди давлат идоралари ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини қандай йўлга қўйган, уларга қандай ёрдам ва амалий таклифлар керак? Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари бу ҳақда доим иш олиб бориши, шу йўналишда тизимли назорат-таҳлилни амалга ошириш зарур. Шунда аниқ факт ва рақамларга асосланган хулосалар чиқариш, фойдали таклифлар бериш имкони бўлади.

**Фахриддин РАЖАБОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, улар ҳамма қатори яшаши, таълим олиши ва ишлашига эътибор кучайди. Бу борада қилинган ишларнинг барчаси жисмоний имконияти чекланган кишиларни нафақат қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда.

Бироқ жамият ривожланган сари, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати юзага келади. Бошланган ишларни ривожлантириш, янги босқичга кўтариш эҳтиёжи туғилади. Бу — табиий ҳол. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириб бориш масаласи ҳам бундан ҳоли эмас.

Мисол учун, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларни ногирон, деб топиш тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан, 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон, деб топиш эса тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан амалга оширилади. Бугун амалиётда ногиронликни белгилаш ишлари тегишли низом ва йўриқномалар асосида олиб борилаяпти. Аслида ногиронликни белгилаш билан боғлиқ муносабатлар қонунда акс этиши лозим.

Шунингдек, ногиронлар ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ қонунчиликда тиббий-ижтимоий экспертизани ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилаш масалалари ҳам инобатга олиниши керак.

**Суяржон ҚУРБАНҚУЛОВ,**
*Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси:*

— Қонунчиликка кўра, давлат ногиронларнинг ижтимоий ёрдамга эҳтиёжларини ҳисобга олади, ногиронларни реабилитация ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тегишли дастурларни амалга оширади, ногиронларнинг жамият ҳаётида қатнашиши учун шароит яратади, улар камситилишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ногиронларга ҳар йили ўрта ҳисобда ўн мингдан ортиқ ортопед-протез воситалари, уч мингта ногиронлар аравачаси, бир ярим мингдан зиёд эшитиш мосламаси ва 4 мингдан ортиқ қўлтиқтаёқ берилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ногиронлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Конвенцияси бўйича яқинда 80 банддан иборат Миллий дастур лойиҳаси тайёрланди. Шунингдек, Конвенция билан боғлиқ бошқа қатор ишлар ҳам амалга оширилмоқда.

Ўтган йили БМТ томонидан ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистонга бир нечта тавсия берилган. Мамлакатимиз мазкур тавсияларнинг аксариятини қабул қилди. Шу асосда ногиронлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ишлари янада такомиллаштирилмоқда. Хусусан, тегишли қонунчилигимизни ногиронлар ҳуқуқларига доир халқаро меъёрларга мослаштириш муҳим аҳамиятга эга.

***Семинар давомида ногиронларни уларнинг имкониятидан келиб чиқиб иш билан таъминлашга кўмаклашиш, бу борада ЎзХДП ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятини кучайтириш масаласига эътибор қаратилди.***

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Қонунчиликда ногиронларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш давлат таълим стандартлари асосида оиладаги таълим ва мустақил таълим шаклларида амалга оширилиши белгиланган.

Мутасадди давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ногирон болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шароит яратишни кўзда тутиши керак. Аммо бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас. Тўғри, ногиронларнинг ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш қисқа муддатда маълум ташкилотларнинг сайъ-ҳаракати билан бўлиши қийин. Шунинг учун партиямиз ташкилотлари, фракциямиз ва маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларимиз ҳамкор ва масъул ташкилотлар билан биргаликда ишлаши зарур. Ногиронларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилса, чиқарилган хулосалар асосида маҳаллий Кенгашлар сессияларига масалалар киритилса, мавжуд вазият ва истиқболдаги вазифалар атрофлича муҳокама этилса, керак бўлса, биз бу борада парламент назоратини кучайтириш бўйича ташаббусларни илгари сурсак, амалий натижалар кўпроқ бўлади, деб ўйлайман.

**Абдулло АБДУХАЛИЛОВ,**
*Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси:*

— Биламизки, бугун дунёда инклюзив таълим бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Бу борада халқаро ташкилотлар томонидан муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам мазкур йўналишда яхши натижаларга эришилаётганини таъкидлаш зарур. Назаримда, инклюзив таълимни ривожлантириш, ногиронлар учун махсус дарслар ташкил этиш, замонавий ва самарали таълимнинг имкониятларидан фойдаланиш масаласига эътиборни янада кучайтириш лозим.

**Боймурод ЮСУПОВ,**
*ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:*

— Партиямиз дастурий мақсадларида жисмоний имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари етакчи ўринлардан бирида туради. Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хўш, олдимизда қандай вазифалар турибди?

Аввало, маҳаллий партия кенгашлари ва партия гуруҳларининг ногиронлар жамиятининг маҳаллий бўлимлари билан тизимли ишлашини ташкил этишимиз керак. Жисмоний имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш масалалари шу орқали ойдинлашади.

Жисмоний имконияти чекланган болаларни узлуксиз таълимга жалб қилиш бўйича ота-оналар, педагоглар учун семинарлар, ўқувлар ташкил этишимиз керак. Негаки, айрим ота-оналарнинг эътиборсизлиги билан ногирон болалар таълимдан узилиб қолаётган ҳоллар ҳам учраб турибди.

Ногиронлар қонун билан тақиқланмаган меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақли. Шу боис мамлакатимизда ногиронларни иш билан таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинади. Бу масала бевосита партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлгани учун бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди.

***Семинарда, шунингдек, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси кенгаши раиси Абдумажид Каримов, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси ўринбосари Ойбек Исоқов, Тошкент шаҳар Ногиронлар жамияти раиси Феруза Васиқова, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Марказий раёсати раиси Комил Абдуллаев, Тадбиркор ногиронлар Ассоциацияси бошлиғи Фарҳод Абдураҳмонов сўзга чиқиб, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазаларини билдиришди.***

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ўртасида жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

**Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП ҲАЁТИ

# Муҳим вазифаларга бағишланди

**Термиз шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари ҳамда Сурхондарё вилоят, туман шаҳар кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, фаоллар ва ёшлар иштирок этди.

Пленумда электоратни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик тузилмаларининг фаоллигини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, навбатдан ташқари пленумда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Иброҳим Ёқубов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят Кенгашининг раиси этиб Чори Жумақулов сайланди.

Пленумда вилоят партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Меҳнат ярмаркасида

## *коллеж битирувчилари ишга йўлланма олди*

***Андижон шаҳар ҳокимлиги меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ва ЎзХДП шаҳар кенгаши ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 60 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса 200 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок қилди.***

— «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Андижон шаҳар филиалига назоратчи бўлиб ишлаш учун ҳужжатларимни расмийлаштирдим, — деди Андижон иқтисодиёт коллежи битирувчиси Зилола Тешабоева. — Ўзимга муносиб иш топганимдан хурсандман.

— Ярмаркада кўплаб коллеж битирувчилари меҳнат фаолиятини бошлаш учун йўлланмалар олишди, — дейди ЎзХДП Андижон шаҳар кенгаши раиси Маликжон Жалолов. — Бу каби тадбирлар ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Партиямиз айнан ушбу масалага жиддий қарайди ва бандликни аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим асоси, деб билади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Бу қишлоқ доимо улуғ зотлар, юксак ақл-идрок соҳиблари, илм-маърифат намояндалари маскани бўлган

# Донишмандлар академияси

## ёки Хўжаилмкони қишлоғи тарихи ҳақида

ҚАДРИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

**Китоб шаҳридан кунчиқар томондаги тоғ қишлоғи — Хўжаилмконига етиб келганимизда қуёш айни қиздираётган пайт эди. Тонгда тушган ёмғир томчилари дарахтлар, майсалар баргида товланади. Тоғ чўққилари узра оппоқ булутлар парвоз қилади.**



Тепалик ёнбошида, олдидан бир тегирмон сув оқиб турган чинорга кўзимиз тушади. Мутахассислар унинг 1200 ёшга кирганлигини аниқлашган. Бироз юргач, устини тим ёпиб турган улкан сағана олдидан чиқамиз. Қора мармартош билан ўралган, эни 12 метрлик хилхона ҳамиша зиёратчилар билан гавжум.

— Қишлоғимиз тарихи энди-энди ўрганиляпти, — дейди оқсоқол Мирсаид Мансуров. — Очиғи, узоқ йиллар ушбу сағана-мақбара қаровсиз ётди. Ҳукуматимизга раҳмат, ота-боболаримиз асраб-авайлаб келган тарихий қадамжони таъмирлаш ва обод қилиш, ён-атрофини кўкаламзорлаштириш учун катта маблағ ажратди. Қишлоқ аҳли ҳам ҳашарда қатнашяпти. Янги йўллар қурилди, манзарали дарахт кўчатлари экилиб, мўъжазгина боғ барпо этилди.

Қишлоқнинг Хўжаилмкони деб номланишида рамзий маъно бор. Чунки қадимда Амканак, Имкана, Хўжаимкана, Хўжақишлоқ номлари билан аталган бу қишлоқ доимо улуғ зотлар, юксак ақл-идрок соҳиблари, илм-маърифат намояндалари маскани бўлган.

Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватовнинг мазкур қишлоқ тарихига бағишланган китобида «Хўжаилмкони ўз даврининг машҳур илм-фан академияси бўлиб, унда аҳли донишлар жам бўлишган», дея ёзади. Шундан бўлса керак, қадимий сағанага қайси улуғ зот дафн этилгани тадқиқотчиларни қизиқтириб келаётганди. Фақат 2013 йилда ўтказилган илмий-амалий конференцияда бу жумбоқ ўз ечимини топди.

— Хожа Баҳоуддин Нақшбанд юбилейига бағишлаб нашр этилган «Дурдона» китобида аждодлари пайғамбаримизга бориб тақаладиган 39 нафар пиру-комилнинг рўйхати берилган. Унда Муҳаммад Дарвеш ва Хожаги Имканагийнинг ҳам номлари келтирилган, — дейди **журналист Салоҳиддин Исомиддинов.** — Муҳаммад Дарвешнинг отаси Термиз саидларидан бўлган. Бу зот тасаввуфга оид бир қанча китоблар ёзиб қолдирган. Унинг ўғли мавлоно Абулбоқи Хожа Имканагий эса қишлоғимиздаги шу қабрга дафн этилган.

Тадқиқотлар натижасида у зотнинг 90 йил умр кўргани ва 1601-1602 йилларда вафот этгани аниқланган. Дастлабки сабоқни отасидан олиб, кейинчалик Самарқанддаги мадрасада таҳсил кўрган. Нақшбандий тариқатини жаҳонга ёйишга муносиб ҳисса қўшган аллома ўз замонасининг «Қутблар қутби» дея улуғланган. Унинг таълимоти шогирдлари орқали ҳатто Ҳиндистонда ҳам довруғ қозонган.

Мавлоно нафақат диний, балки ўз даврининг дунёвий илмларини ҳам чуқур эгаллаган. Масалан, Хожа Имканагий раҳбарлигида ер ости сувларини йиғиш ва уларни ер юзасига чиқариш учун қурилган қадимги мураккаб сув иншооти — коризлар барпо этилган. Шу орқали қишлоққа сув келтирилган.

Эътиборлиси шундаки, бир неча асрлар аввал қурилган 13 кориз ҳали-ҳамон ишлаб турибди. Бу ноёб иншоотлар ҳалигача ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Шунингдек, мавлоно мадраса қурдириб, йиллар мобайнида толиби-илмларга ҳам диний, ҳам дунёвий фанлардан сабоқ берган. Афсуски, мустабид тузум даврида мадраса вайронага айлантирилди. Ҳозирги кунгача фақат битта хонақоҳ сақланиб қолган, холос.

Сағанадан анча нарида, тепаликнинг устида қурилган ноёб обидага яқин келамиз. Манбаларда бу иншоот ҳазратнинг ўғиллари мавлоно Абул Қосим томонидан 1601-1602 йилларда қурдирилгани ёзиб қолдирилган. Бинонинг узунлиги 24 метр, эни 20 метрдан ортиқ. Томи гумбазли.

Бу тарихий масканга баҳорнинг илк кунларида келганимизда таъмирлаш ишлари бошланган эди. Бугун реконструкция жараёнининг биринчи навбати якунига етганига гувоҳ бўлдик.

Вазирлар Маҳкамасининг Қашқадарё вилоятида туризмни ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш ҳақидаги қарорида 43 тарихий-маданий биноларни таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш белгиланган. Улар орасида аллома Хожа Имканагий ва у зотнинг ўғиллари томонидан бунёд этилган обида ҳам бор.

Президентимиз Самарқандда ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида **мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак, деб айтаман. Айни вақтда фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!, деб такрорлайман,** дея алоҳида таъкидлаган эди.

Шу маънода Хўжаилмкони қишлоғи тарихи ва бу заминда туғилиб ўсган етук алломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, илмий фаолияти ҳамда асарларини тадқиқ қилиш бугунги кунда тарихчи олимларимиз зиммасидаги вазифалардан биридир. Бу эса юртимиз илм-фанида янги саҳифа очилишига хизмат қилади.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Июнь ойи об-ҳавоси қандай бўлади?

**Мухбиримиз ушбу савол билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг етакчи синоптик-муҳандиси Гавҳар МАМАЖОНОВАга мурожаат қилди.**

— 29-30 май кунлари республикамиз ҳудуди бўйлаб жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиб, шамолнинг тезлиги кучайиши кузатилди. Ёғингарчиликнинг суткалик миқдори мамлакатимиз вилоятларида 0,0-16 мм (миллиметр)ни ташкил қилди. Тошкент вилоятининг аксарият туманларида, шунингдек, Жиззах вилоятининг айрим жойларида, Навоий вилоятининг шимолида, жанубий вилоятларимизнинг тоғолди ҳудудларида ҳамда республикамизнинг тоғли зоналарида кучли жала ёғиши натижасида ёғингарчиликнинг суткалик миқдори 20 мм дан 46 мм гача етди.

Прогноз бўйича 30 майда пойтахт Тошкентда ҳам қисқа муддатли ёмғир ёғиши, шамол кучайиб момақалдироқ бўлиши кутилган эди. Шу куни эрталаб ва кундузи қисқа муддатли ёмғир ёғиши натижасида ёғингарчиликнинг миқдори шаҳар туманлари бўйлаб 20-30 мм (Олой бозори атрофида 25,2 мм, аэропорт ҳудудида 20,0 мм, Сирғалида 24,7 мм, телеминора атрофида 22,6 мм, Юнусободда эса 30 мм)ни ташкил этди. Ёмғирнинг жадаллиги соат 13:45 дан 16:05 оралиғида кузатилиб, шу вақт ичида 21 мм га тенг миқдорда ёғингарчилик бўлган.

Кўп йиллик маълумотларга асосланиб айтадиган бўлсак, пойтахтимизда 20 мм ва ундан кўп миқдордаги ёғингарчилик деярли ҳар йили кузатилади. Сўнгги йилларда шунга ўхшаш кучли жала 1998 йил 2 майда, 28 майда, 6 июнда, 2010 йил 30 июнда бўлган.

Ёғингарчилик ҳамда ҳароратнинг пасайишига мамлакатимиз ҳудудига Ўрта Ер ва Каспий денгизи ҳавзасидан нам ҳаво оқимларининг чиқиши, унинг ортидан эса Уралдан совуқ ҳаво оқимларининг кириб келиши сабаб бўлди. Шунинг учун июнь ойининг илк кунларида ҳаво ҳарорати нисбатан пасайди. Оқибатда ҳароратнинг минимал қиймати кечалари 10-15, кундузлари эса 25-30 даража иссиқдан кўтарилмади. Бундай рақамлар йилнинг айни шу кунлари учун бўлган меъёрдан 2-4 даражага паст ҳисобланади.

Албатта, июнь ойининг кейинги кунларида қандай об-ҳаво шароити кутилаётганини ҳаммани бирдек қизиқтириши табиий. Иккинчи ва учинчи ўн кунликларда ҳарорат асосан кечалари 18-23 даража, баъзи жойларда 25 даражагача, кундузлари 33-38 даража иссиқ, шунингдек, мамлакатимизнинг жанубий вилоятлари ҳамда чўл ҳудудларида 41 даражагача иссиқ бўлиши кутилмоқда. Ёғингарчилик миқдори меъёр атрофида, айрим жойларда ундан кўп бўлиши, республикамизнинг шимолий қисмида эса ойлик меъёрдан кам бўлиши кутилмоқда. Ойнинг айрим кунларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.**

ФУТБОЛ

# Эртага жаҳон чемпионати бошланади

## *Ўзбекистон ифтихори, ФИФА рефериси Равшан ЭРМАТОВ дунё футболига ҳакамлик қилади*



Ҳамюртимизга ФИФА лайнсменлари Абдуҳамидулло Расулов ҳамда Баҳодир Қўчқоров (Қирғизистон)лар кўмаклашади. 2010 йилда ЖАРда ўтган жаҳон чемпионатида у энг кўп — бешта ўйинни бошқариб, дунё мутахассислари эътирофига сазовор бўлганди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, бу галги мундиалда ФИФА жами ўттиз уч нафар бош ҳакамни мусобақага жалб этган. Улардан саккиз нафари эса захира ҳаками сифатида рўйхатдан ўтган. Ҳакамлар орасида энг кўп вакил Европадан таклиф қилинган.

Яна бир янгилик, навбатдаги мундиалда учрашув реферилари махсус техник мосламалардан фойдаланишади. Жумладан, жаҳон чемпионатида тўп дарвоза чизиғини кесиб ўтган-ўтмаганини аниқловчи тизим оний лаҳзаларда масалага ойдинлик киритиб, бош ҳакамга сигнал беради. Ушбу технология мосламасини ҳар бир стадионга ўрнатиш 200 минг еврони ташкил этди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ




# Молиявий кўмак туфайли

## ишлаб чиқариш кенгайди



**Нон ва нон маҳсулотларига кундалик ҳаётда эҳтиёж катта. Шу боис нон ёпиш корхоналари сонини кўпайтириш, янги иш жойларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Иқтисодиётнинг ижтимоий жиҳатдан муҳим бу соҳаси аҳоли турмуш тарзига бевосита таъсир кўрсатади.

Нон ишлаб чиқариш — мамлакатимизда озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг муҳим қисми ҳисобланади. Озиқ-овқат саноати таркибида 2013 йилда нон ёпиш соҳаси улушига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 20,3 фоизи тўғри келган.

Оммавий истеъмол қилинадиган (умумий ҳажмнинг қарийб 70 фоизи) нон навларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган катта нон заводлари билан бир қаторда бозорда кичик хусусий новвойхоналарга ҳам талаб бор. Улар фаолиятининг асосий йўналишлари — бу миллий, «премиум» классидаги нон ва нон маҳсулотларини, парҳезли маҳсулотларни ишлаб чиқаришдир.

Шундай новвойхоналардан бири бизнинг «Шавкат Акобир бизнес» МЧЖ бўлиб, у 2011 йилда Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида очилди.

2013 йилда эски ускуналарни янги ва замонавий ускуналарга алмаштириш режалаштирилди. Кредит олиш учун «Ўзмиллийбанк»нинг Пахтакор филиалига мурожаат қилдик.

Таклифларимиз ва техник-иқтисодий асосномамиз қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, 100 млн. сўм кредит берилди.

Ажратилган маблағларга янги юқори технологик ускуналар ва хомашё сотиб олинди, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ортди, корхонамиз даромади кўпайди.

Ҳозирда жамиятимиз томонидан 8 турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса 50-60 тоннани ташкил қилмоқда.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига 6 янги иш ўрни яратилди.

Ҳар куни янги ёпилган ва иссиқ нон маҳсулотларини халқимиз дастурхонига етказиб бераётганимиздан ва халқимизнинг дастурхонини тўкин қилаётганимиздан хурсандмиз.

**А. ҲОСИЛОВ,**
**«Шавкат Акобир бизнес» МЧЖ директори.**

*Хизматлар лицензияланган.*

## Дунё

# Велосипед



## автомобилни сиқиб чиқармоқда

Европада автомобилдан кўра велосипедда ҳаракатланиш тобора оммавий тус олиб бормоқда. Бугунги кунда юз минглаб одамлар айнан велосипедда юришни афзал билмоқда, дея хабар беради «Мир новостей» ҳафталиги.

Эндиликда велосипед ихлосмандларини автотранспорт ҳаракатидан муҳофазалаш мақсадида айрим мамлакатларда махсус «велокўча»лар ташкил этилмоқда. Айни пайтда бундай саъй-ҳаракатларга Буюк Британияда гувоҳ бўлиш мумкин.

Мазкур кўчаларда автомобиллар ҳаракатига ҳам рухсат этилади. Аммо улар қатъий тартибга риоя этишлари талаб қилинади. Яъни автомобиль тезлиги соатига 30 километрдан ошмаслиги шарт. Кимки бу қоидани бузса, полиция томонидан дарҳол чора кўрилади.

Ҳозир бундай кўчалар Лондон, Манчестер, Бирмингем ва бошқа йирик шаҳарларда ташкил этилган. Мақсад: велоавтотўқнашувлар юз беришининг олдини олиш.

Маълумотларга қараганда, ҳар йили Буюк Британияда 19 минг киши айнан велосипедда автомобиль билан тўқнашиб, турли даражада жароҳат олади.

«Велокўча»ларни Нидерландия ва Германияда ҳам учратиш мумкин. Нидерландияда амалда фойдаланилаётган айрим кўчалар велосипед ҳаракати кўплиги боис «велокўча»га айлантирилган. Бу кўчаларда автомобиллар ҳаракатига чек қўйилган.

# Ишдан қочадиганлар



Меҳнат ресурслари институти буюртмасига биноан ўтказилган халқаро сўров натижалари кишиларни ҳайратга солди: хитойликлар билан ҳиндлар дунёдаги энг ашаддий «прогул»чилар экан. Сўровда иштирок этганларнинг ҳар иккисидан бири ҳеч бўлмаганда бир марта бошлиғига телефон қилиб, касаллиги боис ишга чиқолмаслигини айтган. Ваҳоланки, улар соппа-соғ бўлган.

Шундай қилиб, хитойликларнинг 71 фоизи ёлғон важлар билан ишдан «прогул» қилади. Ҳиндларнинг 62 фоизи шу йўл билан ишга бормайди, Австралияда эса 58 фоиз иштирокчи айнан ёлғон баҳоналар билан ишга бормаслигини айтган бўлса, АҚШ ва Канадада бу рақам 50 фоизга, Буюк Британияда 43 фоизга етиб қолади. Мексикаликлар билан французлар бу борада энг охирги ўринларни олган — 38 ва 16 фоиз.

Сўров таҳлиллари шуни кўрсатдики, дейилади «Reuters» ахборот агентлиги хабарида, қайси мамлакатда ишчи-ходимларга юқори маош тўланаётган ва узоқ муддатли меҳнат таътили берилаётган бўлса ўша мамлакатда ёлғон баҳоналар кам ишлатиларкан.

Барчамизга яхши маълумки, Францияда бугунги кунда ҳақ тўланадиган мажбурий меҳнат таътили 30 иш кунига тенг бўлиб, бу кўрсаткич дунё бўйича биринчи ўриндадир. Хитойда эса 10 иш кунлик мажбурий меҳнат таътили учунгина ҳақ тўланади. Ҳиндистонда бу рақам 12 иш кунига тенг холос.

*Газетанинг навбатдаги сони 17 июнь, сешанба куни чиқади.*

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ochilboy RAMATOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Saidahmad RAHIMOV, Ulug'bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Rustam KAMILOV

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 660
18391 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 03.10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5